

ҚАҲРАМОНЛИК ЭПОСЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВА ХУСУСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Махбубахон Алибековна ТЕМИРОВА

доцент

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Андижон давлат педагогика институти

Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ўзбек халқининг “Алпомиш” ва қирғиз халқининг “Манас” қаҳрамонлик эпослари ҳамда улардаги анъанавий мотивларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: эпос, қаҳрамонлик эпоси, эпик формула, мотив, анъана, сюжет.

ОБЩИЕ И ЧАСТНЫЕ АСПЕКТЫ ГЕРОИЧЕСКИХ ЭПОСОВ

Махбубахон Алибековна ТЕМИРОВА

доцент

Доктор философии по (PhD) филологическим наукам

Андижанский государственный педагогический институт

Андижан, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматриваются героические эпосы узбекского и киргизского народов “Алпомыш” и “Манас”, а также общие и частные аспекты традиционных мотивов в данных произведениях.

Ключевые слова: эпос, героический эпос, эпическая формула, мотив, традиция, сюжет.

Ҳар бир халқ ўз оғзаки ижоди дурдоналари билан ҳақли равишда фахрланади. Шундай халқ оғзаки ижоди асарлари борки, тарих тўфонларида йўқ қилинишга, синдирилишга бўлган ҳаракатларга, таъна тошлари отилишига, қораланиб, қатағонга учрашига қарамай, халқнинг фидойи, зиёли фарзандлари ҳимояси билан ўша машъум даврларни енгиб, халқнинг аجدодларидан қолган миллий-маънавий мероси, сарчашмаси сифатида сақланиб, сайқалланиб асрлар оша яшайверади.

Қирғиз халқининг “Манас”, ўзбек халқининг “Алпомиш” қаҳрамонлик эпослари ана шундай умри боқий асарлардандир.

Илмий-тарихий манбалар шуни кўрсатадики, ҳар икки халқнинг бу ноёб дурдоналари эллигинчи йилларда вульгар социалистик метод асосидаги

нотўғри талқинлар ҳамда адабиёт соҳасида саводсиз бўлган кимсалар томонидан қораланди.

“А.Абдунабиев ва А.Степановларнинг халқ оғзаки ижодининг табиатини тушунмаган ҳолда мақола ёзишга киришганларини Тўра Мирзаев шундай баён этади: “Шуни очик-ойдин айтиш керакки, А.Абдунабиев ва А.Степановлар “Алпомиш” достони ҳақида махсус тадқиқотлар олиб бормаганлар, халқ орасидан бирор банд кўшиқ ёки битта мақолни ҳам ёзиб олмаганлар. Хабардор кишиларнинг маълумотларига қараганда, улар достоннинг архивдаги бирор варианты кўлёмасини ўқиб ҳам чиқмаганлар, фақат Фозил шоир вариантининг русча таржимаси асосида қоралаб ёзганлар, холос” [7].

1952 йили ўтказилган собиқ Бутуниттифок илмий конференциясидаги нутқида қозоқ халқ ёзувчиси, машҳур олим, академик Мухтор Ауэзов қарши чиқиб, “Манас” эпоси халқона эпос эканлигини исботлаган.

Буларни қайд этишимиздан мақсад шуки, ҳар икки халқнинг нодир асарлари қанчалик қатағонга учрамасин ва қанчалар лойга қорилмасин, улар тарихий зарбалардан, ҳаёт-мамот синовлардан омон чиқиб, олтиндек товланиб, ҳақиқий дурдона асарлар эканлиги боис тобора сайқалланиб, халқларимизни бирдамликка, дўстликка, халқпарварликка, ватанпарварликка ўргатиб келаётганлигини таъкидлашдир.

“Алпомиш” ва “Манас” эпослари тақдири бир қаҳрамонлик эпослар. Уларнинг мавзусида, сюжетида, композициясида ва бадииятида ҳам умумийликлар билан бирга ўзига хос хусусий жиҳатларини кузатишимиз мумкин.

“Алпомиш” эпоси шундай бошланади: “Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтади. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: қатқонининг отини Бойбўри қўйди, қичкинасининг отини Бойсарни қўйди”. [1;5].

“Манас” эпосида ҳам Манас ботирнинг ота авлоди шажараси келтирилади. Фақат Соғимбой Ўразбаков вариантыда наср шаклида, Саяқбой Қоралаев ва В.В.Радлов томонидан ёзиб олинган вариантларида назм шаклида берилган. (“Манас” эпоси бўйича кейинги маълумотлар ҳам ушбу уч вариант асосида олинди. *Муаллиф*). Ҳар икки қаҳрамонлик эпосида ҳам қаҳрамонлик эпосларига хос анъана, яъни, ботирнинг ота авлодидан хабар бериш кириш қисми вазифасини бажарганлигига гувоҳ бўламиз.

«Алпомиш» эпосида Бойбўри ва Бойсарининг фарзандсизликдан шикоятлари, оҳ-зорлари ҳамма вариантларда акс этган. «Манас» эпосида ҳам фарзандсизлик мотиви эпоснинг барча вариантларида учрайди. Бу умумий кўриниш бўлишига қарамай, ушбу мотивлар ҳар икки эпосда ўзига хос тасвирланади.

«Алпомиш» эпосида Бойбўри ва Бойсари ўзларининг зурриёдсизликлари ортидан тўйда қаттиқ ҳақорат эшитадилар. Бу ҳолат Фозил шоир вариантыда шундай тасвирланади: «Бийларнинг кўнглини хушламади, отини ушламади, остига либос ташламади, ош тортди, сузган товоқни чошламади, ош тортганда, ошнинг кетини-бетини тортди. Пайга бетдан туриб бир чапани таб бойвачча айтди: - Э, Бойбўри билан Бойсари! Бу тўй ўғиллининг ўғлидан, қизлининг қизидан қайтади, сенларнинг нимангдан қайтади? Ўлсаларинг молларингга ҳар меросхўр чиқадики, оғзига одам кириб кетади. Сенинг бундан буёқдаги ейдиганинг ошнинг кети-бети бўлади» [1; 6].

«Манас» эпосидаги Жақипнинг бефарзандликдан зори эпоснинг барча вариантларида учрайди. Қадр-қиммати ортиб, ҳисобсиз бойиб, ёши элликка келган Жақип икки аёлидан ҳам фарзанд кўрмайди. Жақип болали инсонларни кўрганда қаттиқ афсусланиб, хафа бўлиб юради. Аллоҳга ўз зорини айтиб, мол-мулкига эгалик қилар, дунёдан қайтса, уни эслаб, ортида қолар фарзанд тилайди. Кунларнинг бирида ҳисобсиз молларини излаб юриб: кўзим ўтиб кетса, уларга ким эгалик қилади деб, тушкунликка тушиб, армонини айтиб йиғлаб, уйига қайтади. Уйига яқин жойдан унга Акимбекнинг ўғли Менгдибой учрайди, нима учун хафа эканлигини сўрайди. Жақип унга жавоб бермай,

каттик йиғлаган ҳолда уйига келиб, отини ҳам боғламай ичкарига киради. Нима бўлганлигини сўраган Чийирдига хотини туғмас, ўзи қувбош эканлигига афсусланганлигини айтиб йиғлаб, тўрига ўтиб ётиб олади. Хафа бўлиб йиғлаб, аёли ҳам букилиб ётиб ухлаб қолишади. Жақип ва унинг икки хотини ҳам туш кўришади [4;6]. Ушбу мотив «Манас» эпосининг барча вариантларида мавжуд.

Қаҳрамонлик эпосларининг сюжет қурилиши талабига хос халқнинг бошқа халқ томонидан босиб олинishi, таҳқирланиши, ёки ўз юртидан бош олиб кетиб, тарқоқланиши каби воқеалар халқ ботиригининг дунёга келишидан, қаҳрамонликлар кўрсатишидан аввалдан хабар берувчи ва унга тайёрловчи нишона ҳисобланади. Яъни, “Эл бошига кун тушса, Эл яратган эр келар” [5;11], “Эл башына күн түшсө, Эл жараткан эр келет” [2;11], деган мақол ҳам ҳар икки халқда бежизга айтилмаган. “Алпомиш” достонида Ҳақимбек етти ёшида дастлабки қаҳрамонлигини кўрсатиб, Алпомиш алп аталади. Бойбўрининг закот талаб қилишидан хафа бўлган Бойсари билан ўн минг уйли элат Қашал элига, қалмоқ юртига кўчиб кетади. Ўн олти уруғ Қўнғирот қабиласининг тарқоқланиши Алпомишнинг келажакда ўзга юртларда тарқоқ яшаётган халқини юртга қайтариш, ўз қабилаларини бирлаштириш учун қаҳрамонона курашидан дарак беради. Бу эса достоннинг барча вариантларида акс этган барқарор анъанавий воқеа ҳисобланади.

“Манас” эпосида эса Нўғайхон ҳаётлигида кўп жойларга унинг салтанати етиб, ҳушёрлик билан душманларини даф қилиб турарди. Нўғайхон вафотидан кейин унинг болалари Ўразди, Усан, Бой, Жақиплар бирлашмай, ўз холича яшаётганларида Эсенхоннинг эллик юз минг лашкарлари қирғин солади, Нўғайхоннинг болаларини ҳар томонга тарқатиб, ажратиб юборишади. Шундай қилиб Ўразди, Усан, Бой, Жақипни ҳар томонга тарқалиши хитой (эпосда хитой, қора хитой, қалмоқ, қора қалмоқ дея аралаш айтилаверади ва бир этноним қаторида тушунилади) душманлар томонидан амалга оширилади. Қирғизларнинг кучли ёвдан тор-мор қилиниши, Жақипнинг Олтойга ҳайдалиб бориши эпоснинг барча вариантларида мавжуд

бўлган барқарор анъанавий воқеа ҳисобланади. Халқнинг бундайин қийин аҳволда қолиши эса бўлажак халқ ботирининг дунёга келишидан дарак берувчи барқарор эпик анъанага ётади.

Ҳар икки қаҳрамонлик эпосида тасвирланган халқ тарқоқлиги, ўз халқининг қийин аҳволи, душманлар устунлиги ҳар қандай билагида кучи бор, ор-номусли ботирни қаҳрамонликка чорлайди. Ҳаттоки, умумийлик жиҳатларидан яна бири ҳар икки асардаги асосий душман қалмоқлар эканлигини ҳам қайд этиш лозим. Албатта, вариантларда юқорида айтганимиздек, хитой, қора хитой, қалмоқ, қора қалмоқ дея аралаш айтилаверади ва булар эса бир этноним қаторида тушунилади.

Қаҳрамонларнинг жуда ажойиб ҳолатда туғилишлари эса «Алпомиш» эпосида ҳам, «Манас» эпосида ҳам бор. «Манас» эпосида ушбу эпизод деярли барча вариантларида учрайди. Жақип ва унинг икки аёли кўрган тушлар таъбири айтилганидан сўнг икки йилдан кейин Чийирди ҳомиладор бўлади. Чийирди йўлбарснинг юрагига бошқоронғу бўлади. Йўлбарснинг юрагини олдириб еб кўнгли тўлади. Ой куни етиб, Чийирди Манасни дунёга келтиради. Манас икки кўлини тўлдириб қон ҳовучлаган ҳолда туғилади. «Алпомиш» эпосида бу ҳолат бошқачароқ. Фозил Йўлдош вариантыда: “Ойдан ой, кундан кун ўтиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат орадан ўтиб қолди. Бойбичаларнинг ой куни яқин етди” [1;6]. Бойбўри билан Бойсари овга чиқиб кетадилар. Бийлар овдан қайтганларида фарзандлари туғилади. Бир қанчаси бийларнинг олдига чиқиб суюнчи олди. “Алпомиш”да ҳам фарзандли бўлган бийлар қирқ кечаю қирқ кундуз тўй берадилар.

«Манас» достонидан фарқли ўлароқ «Алпомиш» достонида ўғил ва қиз боланинг бешиклигидаёқ никоҳлаб қўйилиш мотиви мавжуддир. Алпомиш ва Барчиннинг бир-бирига аташтириб, қариндошлари томонидан улар туғилганга қадар бешик керти қилиниши кўпчилик ўзбек достонлари ва эртақларига хос бўлиб, «Алпомиш» эпосининг ҳамма вариантларида учрайди.

Фарзандга исм қўйиш ва шу билан боғлиқ равишда дуо қилиш ҳамда унинг келажакдаги баҳодирона ҳаёт йўлини олдиндан айтиш мотиви «Манас»

ва «Алпомиш» эпосларида ҳам бор. «Манас» эпосида болали бўлиб қувонган Жақип катта тўй қилиб турли жойлардан эл чақиради. Тўйда улоқ ўйинлари, курашлар, ўйин-кулги, тўкин-сочинликни, ҳисобсиз бойлик ва тантанани кўрган душманлар бўлажак қаҳрамондан шубҳаланадилар. Тўй тарқаб, бой Жақип қозоқ, қирғиз, қипчоқнинг билимдонларини, доно қарияларини олиб қолади. Уларга сарпо кийдиргач боласини этагига солганча чақалоққа исм кўйиб беришларини сўрайди. Исм топмай қийналишади. Ўғлига қандай исм берилишини интизор бўлиб кутаётган Чийирди ҳам исм берувчиларга атаган совғасини олиб келиб турди. Шунда кўлида ҳассаси бор, оқ кийимли девона пайдо бўлиб, ўтирганлардан ижозат сўраб, «боланинг исми Манас бўлсин, ҳар балодан халос бўлсин», деб исм кўйиб кўлини дуога ёйганда, у ердагиларнинг барчаси фотиҳа беришади. Нотаниш девона кўздан ғойиб бўлади.

«Алпомиш» эпосининг Фозил Йўлдош ўғли вариантида ушбу эпизод шундай тасвирланади: «Бир вақт бийлар қараса, яхши нури бир қаландар маст бўлиб, шул мажлисга қараб кела берди. Халойиқ ҳам кўрди: тарзи гул юзли, ширин сўзли, бир сиёсатли киши қаландар бўлиб келаётир, ўзга кишиларга бу қаландарнинг ҳоли-аҳволи маълум эмас эди. Бийлар ўрнидан туриб, пешвоз чиқиб, салом бериб, зиёрат қилиб, мажлисхонага бошлаб келди. Фарзандларнинг учовини ҳам олиб келиб, пирнинг этагига солди. Пири Бойбўри ўғлининг отини Ҳақимбек кўйиб, кифтига кўлини урди. Кўлининг ўрни доғ бўлиб, беш панжанинг ўрни билиниб қолди. Қизининг отини Қалдирғоч ойим кўйиб, Бойсари қизининг отини ой Барчин кўйибди. Ана шунда Ҳақимбекка ой Барчинни аташтириб, бешкирти қилиб: “Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳақимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлолмасин, омин оллоҳу акбар”, деб фотиҳани бетга тортди” [1;7].

Ҳар икки қаҳрамонлик эпосларида ҳам бўлғуси қаҳрамонни тарбиялаш иши ажойиб анъаналардан ҳисобланади. «Манас» эпосида Жақип «эркалатмай, кўйчига малай қилиб бериб чиниқтирайлик» деб Чийирди билан кенгашиб, Чийирди ҳам мақул бўлиб, ўз боласини тарбиялаш учун «ишлаб ҳаққига мол олиб, мени боқ» деб ўз кўйчиси Ўшпирга етказиб беради-да,

боласига эшиттирмай «болам чиниксин, кўзи қайтартир, баъзан оч, баъзан тўқ қолсин, гапга кирмаса, уришиб тур деп топширади» [4;11]. Шунча бойлиги туриб Жақип ўз боласини малайликка бериши қадим замонлардан тортиб халқимиз бола тарбиясига безътибор эмаслигини кўрсатади. Шундай йўсин орқали бола меҳнат қилишни ўрганади, чиниқади, тобланади.

«Алпомиш» эпосида қаҳрамонни тарбиялаш иши ота-онанинг бола саводини чиқариш учун ғамхўрлик қилишидан бошланади. Фозил Йўлдош ўғли вариантыда Ҳакимбек, Барчин, Қалдирғочларни уч ёшидан мактабга берадилар. Болаларни ўқитиш мотиви, хусусан, Фозил шоирда анча кенг ишланган. Уларда Ҳакимбек, Барчин, Қалдирғоч саводли бўлганларидан кейин Бойбўри ўғлига шохлик, сипоҳлик илмини, Бойсари қизига чорвадорлик илмини ўргатиш мақсадида мактабдан чиқариб олишлари баён қилинади, бу эса «Алпомиш» достони майдонга келган даврни ҳисобга олсак, ғоят ўзига хос характерга эга бир кўринишдир.

Фарзанд тарбиясига оид юқоридаги ўхшаш мотив, лекин тарбиялашда Жақип фарзандини ўз кўйчиси Ўшпирга етказиб беради-да, боласига эшиттирмай «болам чиниксин, кўзи қайтартир, баъзан оч, баъзан тўқ қолсин, гапга кирмаса, уришиб тур», дейди. Бир хил мотив икки асарда ижтимоий ҳаёт тарзини ҳам ифода этган дейиш мумкин.

Юқорида ўзбек ва қирғиз халқ қаҳрамонлик эпосларининг кириш қисмларини, фарзандсизлик, фарзандга исм қўйиш, фарзанд тарбиясига оид сюжет мотивларини қиёсладик. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қаҳрамонлик эпосларига хос эпик формулалар, анъанавий мотивлар, муштарак воқеалар умумий ифодаланса-да, бироқ улар ўзига хос хусусийликда тасвирланган.

«Манас» ва «Алпомиш» эпосларини ўрганиш, уларни ёш авлодга ўқитиш, ота-боболарнинг маънавий дурдоналарига ёшларни қизиқтира олиш, улар орасида ушбу асарларни кенг таҳлил қилиш жараёнида ёшларга ўрнатилган бўлувчи жиҳатларга урғу бериш ва ҳозирги давр, жамиятимиз аъзоларини баркамол инсон қаторида шакллантириш бизнинг долзарб вазифамиздир.

«Манас» ва «Алпомиш» эпослари кишиларни қаҳрамонлик, олижаноблик, эл-юртга, ватанга содиқлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келаверади. Чунки, ушбу бебаҳо дурдона асарларда халқларимизнинг ўтмиши ўз изини қолдирган. Ҳар икки улкан эпослар замирида халқларимизнинг ўзига хос маънавияти, руҳияти, қалби акс этган.

Демак, халқларимизнинг миллий ва маънавий хазинаси, йирик дурдонаси ҳисобланган «Манас» ва «Алпомиш» эпослари ёшларни ватанпарвар, мард ва жасоратли, маънавий етук, баркамол инсон қилиб тарбиялашда муҳим ва ажойиб манба сифатида яшайверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алпомиш. Достон. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. (Ёзиб олувчи: М.Зарифов. Қисқартириб нашрга тайёрловчи: Т.Мирзаев. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 336 б.
2. Кыргызские пословицы-поговорки на кыргызско-русском языке (сост.Н.Н.Сарбагышова). – Бишкек, 2007. – 204 с.
3. Манас. Энциклопедиясы. I том. – Бишкек, 1995. – 440 б.
4. Манас. Энциклопедиясы. II том. – Бишкек, 1995. – 432 б.
5. Ўзбек халқ мақоллари. / Т.Мирзаев, А. Мусақулов, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 510 б.
6. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/naim-karimov-alpomishning-qatli-om-etilishi.html>
7. http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek_legends_and_mythes/alpamysh_is_nation_heroic_epic_tale